

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 60 (316), 2021 йил 25 март, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



## ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 март куни “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йилдаги фармонлари билан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари қабул қилинган эди. Ушбу дастурлар доирасида 5 миллионга яқин юрtdошимиз яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқдаги шароитлар яхшиланди. Лекин ўтган йили коронавирус пандемияси туфайли бу борадаги ишлар вақтинча тўхтатилган эди.

Бугунги кунда юртимизда шароити оғир бўлган 796 та қишлоқ ва шаҳарларда 188 та маҳалла мавжуд. 4 мингдан зиёд маҳалланинг электр таъминоти қониқарсиз аҳволда.

Қишлоқларга инфратузилма борсагина ҳаёт сифати ўзгаради, тадбиркорлик ривожланади. Шу сабабли, бу йил “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари янги ёндашувлар асосида шакллантирилди. Аҳоли талабларидан келиб чиқиб, 206 та туман ва шаҳар ҳокимлари, йўл, электр таъминоти, коммунал хизмат ва тадбиркорликка масъул раҳбарлар билан бирма-бир гаплашиб, 8 мингта маҳаллада бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. Бунда, ободончилик билан бир қаторда иш ўринлари ташкил этиш, аҳолини камбағалликдан чиқариш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Йиғилишда шу борадаги амалий ишлар муҳокама қилинди. Бу йил мазкур дастурлар доирасидаги ишларга жами 21 триллион сўм йўналтирилиши қайд этилди.

**— Оғир инқироздан чиққан йилмиз, ташқи қарз жалб этмасдан, шунча маблағ ажратаяпмиз. Бунақа имконият Ўзбекистон тарихида бўлмаган. Лекин бу пулни лойиҳа билан, ҳалол-поқ ишлатиб, элга муносиб шароит яратиш керак, — деди Президент.**

Таъкидланганидек, бундан буён “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига қайси маҳалла ёки қишлоқ киришини маҳаллий кенгашлар белгилайди. Туман ва шаҳар ҳокимининг иқтисод, қурилиш ва маҳалла масалалари бўйича ўринбосарлари зарур маблағлар ва амалга ошириладиган ишларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, маҳалла раиси билан бирга, худудий кенгашларда ҳимоя қилади.

Маҳаллий кенгашлар ҳар бир маҳалла кесимида ижтимоий соҳа, ичимлик суви, йўл-транспорт ва инфратузилма объектлари манзилли дастурини тасдиқлайди. Қурилиш вазирлиги ҳокимликлар билан бирга уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб

чиқишга масъул бўлади.

Шу тартиб асосида, жорий йилги дастурга киритиладиган маҳалла ва қишлоқлар, уларда тадбиркорликни ривожлантиришга оид масалалар ўтган ҳафтада барча туман ва шаҳар кенгашларида белгилаб олинди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимликларига ўн кун муддатда дастурга киритилган барча қишлоқ ва маҳаллаларда қурилиш ишларини бошлаш вазифаси қўйилди.

**Ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир 325 та қишлоқ ва 71 та маҳаллани комплекс ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Уларда ичимлик суви ва электр тармоқлари, ички йўллар, ижтимоий объектлар қуриш ҳамда таъмирлаш учун 3 триллион 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.**

Шунингдек, 2 минг 721 та маҳалладаги 10 минг километрдан ортиқ ички йўллари таъмирлашга 2 триллион сўм, 500 та маҳаллага 4 минг километрдан ортиқ ичимлик суви тармоғи тортиш учун 1 триллион сўм ажратилади.

Электр таъминотини яхшилаш долзарб эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис, 5 минг 377 та маҳалладаги 15 минг километр электр узатиш тармоқлари ҳамда 4 мингдан ортиқ трансформаторни янгилаш белгиланмоқда. Бу юртимиздаги маҳаллаларнинг 60 фоизи демакдир. Ушбу чора-тадбирларга қарий 2 триллион 100 миллиард сўм йўналтирилиши айтилди.

Бундан ташқари, Жаҳон банки ва Осие инфратузилмавий инвестициялар банки билан бирга, “қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги 21 та туман, 60 та қишлоқда 485 миллиард сўмлик лойиҳалар бошланади.

Мутасаддиларга маблағлардан самарали фойдаланиб, белгиланган барча ишларни 1 ноябрга қадар якунлаш вазифаси қўйилди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ички йўллар, йўлаклар, ижтимоий объектлар ва кўп қаватли уй-жойларнинг эксплуатация тизимини яхшилаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда аҳоли бандлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**— “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” деганда, нафақат уларнинг йўли ёки қиёфаси яхшиланиши, балки у ерда яшовчи аҳолининг даромади кўпайиши, ижтимоий объектлар тўлиқ ишлаши керак. Энг асосийси, ҳақиқий обод маҳаллада “темир дафтар”, “аёллар” ва “ёшлар” дафтарлари бўлмаслиги лозим. Бунинг учун, тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш зарур. Сарфланган ҳар бир сўм инвестиция одамларимизга уч барабар кўп фойда келтириши, уларнинг даромадини оширишга хизмат қилиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Шу боис тадбиркорлик ва бандлик дастурларини маҳаллага боғлаб, 500 минг нафар ёшлар ва 200 минг аёлларни иш билан таъминлаш, “темир дафтар”га киритилган 300 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсад қилиб қўйилди.

Бунинг учун жорий йилда “Оилавий тадбиркорлик” дастурлари учун 9 триллион сўм ресурс йўналтирилиши, шунингдек, 1 триллион сўм маблағ эвазига 128 та маҳаллада кичик саноат зоналари ташкил этилиши айтилди.

Бош вазир ўринбосарлари, Савдо-саноат палатаси раиси ва Бизнес-омбудсманга тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, муаммоларини ҳал қилиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Дастурларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Хусусан, “Обод қишлоқ” дастури доирасида 379 та мактаб, 171 та мактабгача таълим ва 161 та тиббиёт муассасасини, “Обод маҳалла” дастури доирасида 57 та мактаб, 37 та боғча ва 15 та тиббиёт масканини қуриш-таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига кирган аҳоли пунктларининг “тиббий харитаси”ни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари ўз худудида бажарилаётган ишлар бўйича маҳаллий кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига ҳисобот бериши зарурлиги айтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

ЎЗА

## ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ УМУММИЛЛИЙ БИРДАМЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ



**Акmal БУРХОНОВ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори**

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати — мамлакатдаги коррупция даражаси унинг халқаро майдондаги ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуфузига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши. Давлатлар ўртасидаги муносабатлар, инвестициялар ҳажми, тенг шартларда икки томонлама шартномалар имзолаш каби масалаларда ушбу мезон ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда хорижий давлатларда бўлиб ўтган парламент ва президент сайловларида ҳам

Коррупцияга қарши кураш бугунги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган энг долзарб масалалардан бирига айланди. Унинг давлатлар, минтақа иқтисодиёти, сиёсати, ижтимоий ҳаётига ҳалокатли таъсирини айрим мамлакатлар инқирози мисолида кўришимиз мумкин.

сиёсий партиялар коррупцияга қарши курашиши ўзларининг энг муҳим йўналишлари сифатида кўрсатмоқда. Ушбу иллат тўғрисидаги хавотирли мулоҳазалар дунёнинг энг юксак минбарларидан ҳам тез-тез янграмоқда. БМТ Бош қотиби Антониу Гуттериш жаҳон ҳамжамияти коррупция туфайли ҳар йили 2,6 триллион АҚШ доллари миқдорига зарар кўраётганини таъкидлашининг ўзиёқ масаланинг моҳиятини намёнэ этиб беради.

▶ Давоми 3-бетда

## МУНОСАБАТ АФВ, КЕЧИРИМЛИЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ



**Шухрат УСМОНОВ, “Нуроний” жамғармаси Республика Бошқаруви раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия аъзоси**

Улуғ айём — шарқона янги йил, халқимизнинг қадимий байрами — “Наврўз” умумхалқ шодиёнаси арафасида Президентимиз жазони ижро этиш муассасаларидаги бир гуруҳ фуқароларни афв этиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекди. Зеро, бағрикенглик ва кечиримлилик, йиқилгани суяш, адашганларни тўғри йўлга солиш элимизга хос азалий фазилатлардан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ 140 нафар шахс афв этилди.

▶ Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

### СЕКТОРЛАРНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ — МУАММОЛАРГА АМАЛИЙ ЕЧИМ ДЕМАК

Андижон вилоятининг Улуғнор туманида бугун 10 минг 972 та хонадонда 59 минг 661 нафар фуқаро истиқомат қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш борасида Андижон вилоятининг Улуғнор туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Худуддаги мавжуд 21 та маҳалла фуқаролар йиғини сектор раҳбарларига бўлиб берилган, шундан 7 та МФЙ 2-сектор раҳбарига бириктирилган, — дейди Улуғнор туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Муҳаммадхон Аҳмаджонов. — Туманда ишсиз ёшлар ва аёлларни аниқлаш ҳамда уларни иш билан таъминлаш бўйича ўтказилган хатлов якунига кўра, 307 нафар ёш ва 713 нафар ишсиз хотин-қиз рўйхатга олинди ва уларнинг бандлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, инновацион ривожланиш вазири**

Давлатларнинг замонавий ривожланиши иқтисодиётда инновациялар ва юқори технологияларнинг нақадар кенг ўрин олгани билан чамбарчас боғлиқ. Юқори технологиялар бозори шиддат билан тараққий этаётган давримизда ҳар бир мамлакат — хоҳ тараққий этган бўлсин, хоҳ ривожланаётган — унда ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас.

## ОҲАНГАРОН ИННОВАЦИОН ХУДУДГА АЙЛАНАДИ



Президентимиз Тошкент вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ва олиб борилаётган ислохотлар билан яқиндан танишаркан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилиш фермерларга, хусусан, аҳолига фойда келтириши, шу боис уни ривожлантириш зарурлиги ҳақида сўзлади. Бу айнан шу жабҳага инновацияларни жорий этиш орқали рақобатбардош

маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ресурсларни тежашни талаб этади. Давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига сафари чоғида янги иш ўринлари яратиш, ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқишини орттириш ва инновацион фаолиятга жалб қилиш мақсадида жорий йил давомида ҳар бир вилоятда биттадан иқтисодиёти жадал ривожланиб бо-

▶ Давоми 2-бетда

## ТАРАҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## ОҲАНГАРОН ИННОВАЦИОН ХУДУДГА АЙЛНАДИ



Бошланиши 1-бетда

Муйайн худуднинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига фойдали ишланмаларни жорий этиш, янги инновацион маҳсулот ва технологияларни олиб киришда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш ва унинг "ўсиш нукталарини" ҳисобга олиш ўта муҳим. Оҳангаронда ана шундай ўзига хос "ўсиш нукталари" мавжуд. Чорвачилик ва озуқа етиштиришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги, саноатлаштириш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, инсон капиталли тараққиёт этириш учун ёшларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, касб-хунарга ўргатиш орқали ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Оҳангаронда чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Туманда 67,5 минг бош йирик шохли ва 216,3 минг бош майда шохли қорамол мавжуд бўлиб, чорва озуқасига талаб тобора ортмоқда. Худудда чорва озуқаси таннархи юқорилиги ва сифати етарли даражада эмаслиги боис, айнан мана шу соҳага илм-фан натижаларини жорий этиш зарурияти катта. Бунинг учун омихта ем ва ем қўшимчаларини ишлаб чиқариш орқали озуқа захирасини тайёрлашга эришиш мумкин.

Инновацион ривожланиш вазирлигининг молиявий кўмаги асосида "New Ecological Feed" МЧЖ корхонаси ўсимликларни сунъий қуритиш технологиясини Оҳангаронда жорий этиш тақлифини билдирмоқда. Ушбу лойиҳа беда, маккажўхори, африка кўноғи, сорго каби йиғирма хил озуқабоп ўсимликни сунъий қуритиш йўли билан қайта ишлов



беришга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати йилга 835 тоннани ташкил қилади. Яшил массани қуритиш жараёнида ўсимликлар таркибидagi 70 фоиз фойдаланим моддалар йўқотилиши кузатилади ва натижада озуқа сифати пасаяди. Мазкур инновацион технология ёрдамида сунъий усулда қуритилганда ўсимликлар таркибидagi барча фойдали моддалар сақлаб қолинади. Лойиҳани амалга ошириш орқали туманда ўнта иш ўрни очил ва бир гектар ердан 25-30 тоннагача тайёр маҳсулот олиш режалаштирилган.

Чорвачилик салоҳиятини ўрганиш жараёнида Оҳангарон туманида жундор (меринос) қўйлар камлиги ва мавжуд гўштдор, сержун қўйларнинг юнгини қайта ишлаш умуман йўлга қўйилмагани эътиборимизни тортиди. Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Оҳангарон бўлими мутахассислари кўмағида ярим майин жунли қўйларнинг уруғидан фойдаланиб, жайдари қўйларни сунъий уруғлатиш орқали зотдор қўйлар сонини 10 минг бошга етказиш имконияти мавжуд. Натижада йилга 65 тонна соф жун олинади.

Бундан ташқари, Россиядан сергўшт, жундор, майин юнгли, меринос зотли 200 бош (20 та кўчор, 180 та совлик) майда шохли чорва олиб келтириш зарур. Шунингдек, туманда жунни бирламчи қайта ишловчи минитехнологиялардан фойдаланган ҳолда қўшимча қийматли даромадга эришилади. Олимларнинг ушбу ишланмасини тижорийлаштириш учун мақсадли маблағ ажратиш орқали туманда чорвачилик йўналишида сунъий уруғлантириш технологияси кенг йўлга қўйилади.

Туманда чорвачиликни ривожлантириш озуқа масаласини ҳал этиш билан боғлиқ, айнан унинг нархи ва сифати гўштининг таннархини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Бу ўринда Андижон вилоятида ташкил этилган Марҳамат инновацион полигони олимлари ишлаб чиққан, анъанавий усулда тайёрланадиганига нисбатан озуқавийлик микдори саккиз, ҳажми уч марта юқори бўлган силос тайёрлаш тажрибасидан фойдаланиш айна мудоао. Бунинг учун маккажўхори, амарант ва игна ўсимликлари аралаштириб экилади. Ҳосил етилган, майдаланиб, 60 килограммдан зичланиб плёнкаларга ўралади. Бу лойиҳани амалга ошириш учун анъанавий усулда силос етиштирадиган фермер хўжалиқларига ушбу технологияни киритиш ва қиймати 40 миллион сўм бўлган махсус мослама харид қилиш зарур.

Туманда 137,7 минг гектар ер қишлоқ хўжалигига тегишли бўлиб, унинг 32,6 минг гектари экин майдонидир. Шундан 4,3 минг гектар ернинг ҳолати яхши эмас. Ушбу ерлардан самарали фойдаланиб, фермер хўжалиқлари учун зарур озуқа-ем етиштириш учун Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Оҳангарон бўлими олимлари ишлаб чиққан, касаллик ва зараркундаларга чидамли, озуқабоп лавлагининг Ўзбекистон — 83 нави уруғчилигини ташкил қилиш ва уни кенг майдонларда экиш зарур. Ушбу навнинг муҳим жиҳати сермахсулликда бўлиб, даставвал экиладиган 20 гектар ер майдонидан 160 центнер маҳсулот олинади. Тумандаги барча фермер хўжалиқларини элита уруғли билан таъминлаш учун бир гектар майдонда етиштирилган уруғлик кифоя. Натижада яқин йилларда туманда сут маҳсулдорлигини 10-15 фоизга ошириш мумкин.

Туманинг лалмикор, сув танқис худудларида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Оҳангарон бўлими олимлари ишлаб чиққан, қашқарбедани бошоқли экинлар билан аралаш етиштириш технологиясини қўллаш орқали бир гектар ердан бир ўримда 400 центнер ва иккинчи, учинчи ўримларида 500 центнер кўк масса олиш имкони мавжуд. Бу 20 та қўй учун бир йилга еттулик озуқа бўлади ҳамда ҳар гектар ердан беш миллион сўм соф фойда олиш имконини беради.

Оҳангарон туманида иккита йирик саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Айниқса, қурилиш материаллари саноати етакчи ҳисобланади. Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар базасида янги инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш орқали

самарадорликни ошириш, цемент нархини барқарорлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Туман цемент саноатида энергия ресурслари тежамкорлигини ошириш мақсадида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти қосидаги илмий-тадқиқот муассасаси олимлари ишлаб чиққан, саноат печи учун мўлжалланган 200 миллион сўмлик махсус газ горелкаси қўланади. Натижада табиғий газ истеъмоли беш фоиз қисқаради. Биргина "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти томонидан йилга 225 миллион куб метр табиғий газ ишлатилади. Мазкур ишланма амалиётда қўллansa, йилга 11,2 миллион куб метр табиғий газ тежалани. Бунча газ тафтидан 11 минг 250 хонадон бир йил баҳраманд бўлиши мумкин. Иқтисодий самарадорлик эса йилга 4,5 миллиард сўмни ташкил этади.

Шунингдек, "Оҳангаронцемент" компаниясига Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари ишлаб чиққан, сульфатга чидамли цемент тайёрлаш технологиясини ўзлаштириш тақлиф этиляпти. Ушбу технологияни қўллаш орқали клинкерни йилга 40 фоизгача иқтисод қилиш имконияти пайдо бўлади.



ТУМАНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ОҲАНГАРОН ЁШЛАР ТЕХНОПАРКИДА РОБОТОТЕХНИКА, КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ, 3Д ПРОТОТИПЛАШ ВА ДАСТУРЛАШ БЎЙИЧА ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.

Президентимиз Тошкент вилоятига ташрифи чоғида худуддаги коммунал хизматларга ҳам эътибор қаратди. Жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш, айниқса, ичимлик суви тежаб ишлатишга алоҳида урғу берилди. Бу соҳага ҳам инновацион технологияларни жалб қилиш жуда катта аҳамиятга эга.

Сунъий йўлдошдан фойдаланиб, ероти ичимлик сув қувурларидаги носозликлар ва сувнинг сизиб чиқишини аниқлаш ҳамда коммунал трассаларнинг ҳақиқий ероти хариталарини тузиш, қувурлардаги носозликларни ерни қовламасдан, инновацион полимерлар ёрдамида тузатиш бўйича Исроил тажрибаси вазирилик томонидан юртимизга трансфер қилинган эди. Ҳозир бу технологиялар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда ташкил қилинган "Maya International Infrastructure" қўшма корхонаси томонидан Тошкент шаҳрида дастлабки апробациядан ўтказилди.

Маълумотларга кўра, Оҳангарон туманининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 55 фоиз бўлиб, худуддаги умумий 112,1 километр ичимлик сув қувурининг олти миш фоизи таъмирталаб. Сувнинг исроф бўлиши ҳажми эса йилга 4 миллион 800 минг куб метрга етмоқда. "Maya International Infrastructure" қўшма корхонасининг инновацион технологиялари Оҳангарон тумани олиб кирилди. Олинган маълумотлар қайта таҳлил этилади ва носозликлар инновацион полимерлар ёрдамида бартараф қилинади.

Исроил технологияси ёрдамида ероти инфратузилма объектлари — сув, газ, канализация қувурлари, телекоммуникация ва электр тармоқларини харитага тушириш орқали ероти харитаси яратилади. Бу ичимлик сувнинг еростига сизиб, исроф бўлиши ҳамда шаҳар инфратузилмасига зарар етказишининг олдини олишга ёрдам беради.

Келгусида ушбу сунъий йўлдош технологияси босқичма-босқич Тошкент вилоятининг етти та шаҳрида жорий этилади ва ероти сув қувурларидаги носозликларни аниқлаш орқали йилга 62,3 миллион куб метр ичимлик сув (59,2 миллиард сўм) тежалани. Бу мақсад учун умумий 10 миллиард сўм маблағ талаб зарур. Ҳозир бу маблағнинг ажратилиши ва аниқ манбалари тегишли вазириликлар билан муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён эса мавжуд меҳнат ресурсларининг малакаси, тажрибасига боғлиқ. Оҳангарон туманида иш билан таъминланмаган 1 998 нафар ёш мавжуд бўлиб, уларни меҳнат бозорига катта талабга эга касбларга ўқитиш зарур. Мана шу масалани ечиш учун туманда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилган Оҳангарон ёшлар технопаркида робототехника, компьютер саводхонлиги, 3Д прототиплаш ва дастурлаш бўйича ўқув курслари ташкил қилинади. Мазкур курсларда муваффақиятли таълим олган иқтидорли ёшлар келгусида нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсида фаолият юритадиган мутахассислар бўлиб етишади.

Инновацион худудга айлантиришда Оҳангарон туманининг маҳаллий бюджет харажатларидан бир фоизи (680 миллион сўм) инновацион фаолиятга йўналтирилади. Ушбу маблағ ҳисобидан худудда инновацион фаолиятни самарали ташкил қилиш учун туман ҳокими ўринбосари лавозими ҳам жорий этилади. Умуман олганда, илм-фан, бизнес ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлашуви натижасида Оҳангарон инновацион худудда фоялар тайёр тижорий маҳсулотга айлантирилади. Бу, ўз навбатида, туман атрофидаги худудларнинг ҳам инновацион ривожланишига хизмат қилади.

## МУНОСАБАТ

## АФВ, КЕЧИРИМЛИК — ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

Бошланиши 1-бетда

Афв этилган шахсларнинг 4 нафари асосий жазодан тўлиқ, 69 нафари жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинди. 8 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. 59 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Кечиримлилик сиёсатининг ёрқин далили бўлган мазкур Фармонга кўра афв этилганларнинг ўз яқинлари бағрига қайтишлари улarga оила ва маҳалла олдидаги ўз бурчларини тўла англаб етиш, ҳалол меҳнат қилиш, ҳаётларини ўнглаш, фарзандлари тарбияси ва келажаги учун керакли чораларни қўриш, бу борада кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда давлат идоралари ва ташкилотларига берилган тегишли топшириқларга суяниш имконини ҳам берди, десак янгилишимиз.

Шу тариқа афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви ва соғлом турмуш тарзига ўтишлари уларнинг маҳалла аҳли ва қўни-қўшнилар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган Низомга кўра ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия тақлифларига мувофиқ давлатимиз раҳбари ўтган беш йил давомида жами 4 минг 865 нафар ватандошларимизнинг афв этилгани, эндиликда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРATДА

## СЕКТОРЛАРНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ —

## МУАММОЛАРГА АМАЛИЙ ЕЧИМ ДЕМАК

Бошланиши 1-бетда

Лутфулла СУВОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Тумандаги ишсиз аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, янги ишчи ўринларини яратиш мақсадида худудда бўш турган бино-иншоотларни аниқлаш ва уларга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, иккинчи сектор раҳбарига бириктирилган туманининг "Чўлобод" МФЙ худудида жойлашган Сув истеъмолчилари уюмсининг собиқ биноси 4 йилдан буён бўш ҳолатда қаровсиз ётганлиги аниқланди. Мазкур бино ижара шартномаси асосида ушбу худуддаги тадбиркор Тўхтаҳон Шералиевага берилди. Бу ерда тадбиркор томонидан "Мадина тўқимачилик" МЧЖ ташкил қилинди ва 30 нафар хотин-қиз ва 20 нафар ёшни иш билан таъминлашга эришилди.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини марказида жойлашган туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидagi эски қишлоқ врачлик пункти биноси ҳамда унинг 1,22 гектар ер майдони туман ҳокимининг қарори асосида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан тиббиёт бирлашмасига бириктирилган. Мазкур ер майдонининг бир қисмига янги 38-қишлоқ оилавий поликлиникаси қурилган. Ўрганиш давомида умумий майдони 0,34 гектар бўлган майдондан иборат эски бино-иншоот эса 2018 йилдан буён фойдаланилмадан бўш ҳолатда турганлиги маълум бўлди.

Мазкур бино-иншоот тадбиркор Исомбек Иброҳимовга белгиланган ҳужжатлар асосида берилди. Ҳозирда таъмирлаш ишлари якунланиб, 60 нафар аёл ва ёш бу ерда иш билан таъминланди.

— Маҳалламиз худудидаги Тинчликсевар кўчасида, "Дўстлик" сув истеъмолчилари уюмисига ажратиб берилган бино 6 йилдан буён қаровсиз ҳолатда фойдаланилмадан турган эди, — дейди туманининг "Янгиобод" МФЙ Чўпонлик кўчасида яшовчи Мардона Охунова. — Иккинчи сектор раҳбарига бу ерда инглиз ва рус тилига ихтисослаштирилган 60 ўринли нодавлат таълим ташкилоти ташкил қилиш ва 20 нафар янги иш ўрни яратиш тақлифи билан чиқдим. Уларнинг ёрдами билан ҳозирда мазкур бинони қонунчиликда белгиланган тартибда менга бериш чоралари қўрилмоқда.

Шунингдек, мазкур маҳалланинг "Янгиобод" МФЙ Зебо кўчасидаги 0,06 гектар ер майдони "Андижон-пахтасаноат" АЖ худуди бирлашмасига музқаймоқ ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ва савдо дўкони қуриш учун ажратиб берилган. Жамият томонидан бу ерда музқаймоқ ишлаб чиқариш, сартарошхона, савдо дўкони ва тикувчилик цехи биноси қуриб битказилган. Лекин, ўтган беш йил давомида мазкур бино-иншоотлардан фойдаланилмаган. Шу боис, "Янгиобод" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Адҳамжон Исмонов туманда махсус йўналишдаги ўқув марказлари мавжуд эмаслиги сабаб, мазкур бино-иншоотда 60 ўрин-

Президент Фармони билан давлат раҳбари маҳқумнинг ёки жазони ўтаб бўлган шахснинг афв этишни сўраб ёган илтимосномаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, ўз ташаббуси билан исталган маҳқумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиш тартибининг белгилангани мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари борасидаги ислохотлар йил сайин тақомиллашиб бораётганини кўрсатмоқда.

Афв этишни сўраб мурожаат этган маҳқумларнинг илтимосномаларини жойида, атрофлича ва ҳолис ўрганиш учун комиссия аъзолари раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳлари аъзоларининг маҳқумлар билан ўтказиб келаётган суҳбатларида, уларнинг ўз айбига тўла иқроқлигини, кечирилган тақдирда жиноятга қайта қўл урмаслиқларини юз-кўзларининг ифодасидан илғаб олиш қийин эмас. Мулоқот давомида уларни яққалаб қўймаслик, иш ўринлари билан таъминлаш ва бошқа зарур масалалар бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида сўзлаб берилганда, улардаги озодликка чиқиш ва эркин ҳаёт кечириб истаги янада кучайгани аққол сезилади.

Инсонпарварлик ва кечиримлилик тамойиллари барча нарсадан устун қўйилаётган юртимизда давлатимиз раҳбарининг Фармони билан афв этилган қанчадан-қанча адашган ватандошларимиз бугун озодликка чиқиш ва эркин ҳаёт кечириб фаровонлиги йўлида хизмат қилаётди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур Фармон юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик, халқимизга хос бағрикенглик, йиқилгани суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, кечиримлилик сиёсатининг, олийжаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси бўлди.



ли математика фанига ихтисослаштирилган ўқув маркази ташкил этиш тақлифи билан чиқди. Ҳозирда бинони таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари якунланиб, 60 нафар ёш ўқув тўғарақларига жалб қилинди. Шунингдек, Улўғнор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи биноси Андижон давлат университети тасарруфига ўтказилган бўлиб, мазкур бинонинг спорт зали 3 йилдан бери фойдаланилмадан бўш ҳолатда турганлиги аниқланди.

Ўрганиш жараёнида туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабидagi 3 нафар спорт мурабийига тумандаги ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан шуғуллантиришлари учун спорт зали кераклиги маълум бўлди. Мазкур спорт залини қонунчиликда белгиланган тартибда туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ижара шартнома асосида вақтинча фойдаланиш учун олиб берилди ва 3 нафар спорт мурабийи иш билан таъминланди. Спортнинг 3 та йуналиши бўйича 150 нафар ёш машғулотларга жалб этилди.

2-сектор худудидаги "Теракзор" маҳалла фуқаролар йиғинида 405 та хонадон бор. Мазкур маҳалла "Обод маҳалла" дастурига киритилган. 7 та кўчадан иборат маҳалланинг 2 та кўчасига шағал ётқиизи ишлари тўлиқ якунланди ва қолган кўчаларда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари шу маҳаллада яшовчи ишсиз ёшлар ва аёлларни иш билан банд қилиш бўйича ҳар бир оила тадбиркор дастури доирасида 15 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди. Шунингдек, 5 та кам таъминланган оилага чорва моллари, 5 та хонадонга тикув машиналари берилди.

Туман секторлари томонидан бундай ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УМУММИЛЛИЙ БИРДАМЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Буни сўнги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар мисолида кўришимиз мумкин. Жумладан, коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта ҳисобланади.

**Ҳаракатлар стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишининг устувор йўналишида бевосита коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирлари самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу дастурий ҳужжат асосида коррупциянинг олдини олишга қаратилган қатор муҳим чоралар кўрилди.**

Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилиб, Президентнинг халқ қабулхонаси, виртуал қабулхонаси, шунингдек, ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг ишонч телефонлари ҳамда виртуал қабулхоналари ишга туширилди. Республика бўйлаб 209 та халқ қабулхонаси ташкил этилиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шунингдек, олис ҳудудларга барча даражадаги раҳбарларнинг сайёр қабулларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Халқ қабулхоналари фуқароларнинг ўзи яшаётган ҳудудда ҳамда бутун мамлакатда юз бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасдан фаол иштирок этишига имконият яратди. Аҳолининг ҳар бир масала бўйича тўғридан-тўғри мурожаат қилиш эркинлиги таъминланиши, мансабдорларнинг халқ билан бевосита мулоқотга кириша бошлаганининг ўзбек кўйи ва ўрта тизимдаги коррупция даражаси қисқаришига сабаб бўлди.

Оммавий ахборот воситалари, журналист ва блогерлар эркинлигини таъминлашга, давлат идораларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун очик бўлишига, раҳбарларнинг кундалик фаолиятида журналистлар билан яқин мулоқот ва ҳамкорлик ўрнатишига қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилди. Натижада мансабдорларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати жамоатчилик кўз олдида бор ҳолича номён бўла бошлади. Зеро, очиклик-ошкоралик мавжуд жойда коррупцияга қўл уриш мураккаблашади.

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 150 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари аҳолига қўлай, марказлашган ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали кўрсатилмоқда. Ушбу жараёнда инсон омилини камайтириб, давлат хизматчиси ва фуқаро ўртасидаги тўғридан тўғри муносабатнинг бартафари этилиши ҳамда ахборот технологияларининг кенг қўлланилиши, шубҳасиз, коррупциявий омиллари сезиларли даражада камайтирди.

Сўнги йилларда давлат органлари фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш

механизмлари, шунингдек, жамоатчилик назорати институтлари тубдан такомиллаштирилди. Рақамли ва онлайн технологияларнинг кенг қўлланилиши давлат органларининг жамият олдидаги ҳисобдорлигини оширди. Ер участкалари ва давлат активларини, шунингдек, автотранспорт воситалари учун давлат рақам белгиларини онлайн аукционда сотиш тизими йўлга қўйилди ҳамда доимий такомиллаштирилиб борилмоқда.

Давлат харидлари тўғрисида маълумотлар d.xarid.uz сайтга жойлаштирилиб борилмоқда. Очик маълумотлар портали (data.gov.uz), юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳисобга қўйилган маълумотлари базаси (my.gov.uz) ва бошқа платформалар бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг энг самарали инструментлари бўлган очиклик ва шаффофлик ҳамда жамоатчилик назорати принциплари таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган қоидаларни бекор қилиш мақсадида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан такомиллаштирилди.

Президентимизнинг 2018 йилда имзоланган қарорида ҳар бир вазирлик ва давлат идораси ҳузурида жамоатчилик кенгаши ташкил этилиши белгилаб берилди. Албатта, бу каби кенгашлар давлат ташкилотлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим бўгин ҳисобланади.

Юқоридаги ислохотларнинг амалга оширилишида давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

Бу борада ташланган энг муҳим қадам давлатимиз раҳбари ўз лавозимига киришгандан сўнг илк қонун ҳужжатларидан бири сифатида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни имзолагани бўлди. 2017 йилда қабул қилинган ушбу қонун билан “коррупция”, “коррупциявий ҳуқуқбузарликлар”, “манфаатлар тўқнашуви” каби тушунчаларга таъриф берилди. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати йўналишлари белгиланди.

**Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди. Дастур доирасида қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлар ҳам мохиятдан коррупцияга қарши курашиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат аҳамиятлидир.**

2018 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатда коррупцияга қарши курашиш ва коррупцияни бартараф этиш бўйича қўмиталар ташкил этилди. Бу тузилмалар коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

2019 йилда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги иш бошлади. Барча даражадаги давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш, коррупциянинг юзага келиши, расмийлик ва бюрократияга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш мақсадида ушбу агентликка давлат фуқаролик хизматчиларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг муносиб

даражасини кафолатлаш чораларини жорий этиш вазифаси юклатилди.

Суд ҳоқимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга қонунга хилоф равишда ҳар қандай тарзда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолияти шаффофлигини ошириш каби масалаларни ўзида акс эттирган, коррупцияга қарши курашиш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашишнинг институционал асосларини такомиллаштиришда 2020 йил мамлакатимиз тарихидан алоҳида ўрин эгаллайди. Босис, ўша йил 29 июнь куни соҳанинг ривожига туртки бўладиган икки муҳим ҳужжат — Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳуж-

**йилдаги нисбатан 7 поғона юқорилаб, индекс баҳосида қаторасига 4 йил давомида барқарор ўсишга эришди (2013 йилда 17 баллдан 2020 йилда 26 баллгача). Шу боис, ушбу ташкилот 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистонни минтақанинг тез суръатларда яхшиланиб бораётган давлатлари қаторида эътироф этди.**

Шунингдек, “Коррупцияни қабул қилиш” индекси асосини ташкил қилувчи 13 та индекснинг деярли барчасида Ўзбекистон барқарор ўсиш қайд этган. Бироқ эришилаётган натижаларга қарамай, олдимизда улкан вазифалар турибди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномада ҳам коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтиб, унинг ҳар қандай қўрилишига

ҳужжатларни қабул қилиш ва ундаги вазифаларни тизимли татбиқ этиш орқали сезиларли ижобий натижага эришмоқда.

Грузия, Эстония, Греция каби давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, узок муддатга мўлжалланган комплекс дастур коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш самарадорлигини оширишга ҳамда халқаро рейтинглардаги ўрни юксалишига олиб келган. Юртимизда ҳам коррупцияга қарши курашишда айнан узок муддатни кўзлаган ҳолда тизимли, комплекс дастур ишлаб чиқиши ва татбиқ этилиши келгусида бу борадаги ислохотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда агентлик томонидан Миллий стратегия лойиҳаси устида жадал иш олиб борилмоқда. Лойиҳадан жорий ҳолат таҳлили, ижобий тенденциялар, муаммолар, коррупцияни келтириб чиқараётган асосий омиллар, мақсад ва унинг индикаторлари ўрин олган. Унда барча масалалар қамраб олинishi ҳамда давлат ва жамият вакилларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш мақсадида давлат органлари, мутасадди ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий доира вакиллари, халқаро экспертлар иштирокида миллий ҳамда халқаро маслаҳатлашув йиғилишларида кенг муҳокамадан ўтказиб берилмоқда. Такомиллаштирилган стратегия лойиҳаси халқимиз фикрини олиш учун жамоатчилик муҳокамасига ҳам қўйилиши режалаштирилган.

Шунингдек, агентлик томонидан жорий йилда Андижон, Хоразм, Жиззах ва Навоий вилоятларида давлат харидларида коррупцион хатти-ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги ўрганилди. Ўрганишлар якуни бўйича йўл қўйилган камчиликлар билан бир қаторда давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларини ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган тендер ва тендов комиссиялари таркиби, давлат активлари олди-сотдиси ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари, солиқ ва бошқа имтиёзлар олувчилар каби маълумотларни очик эълон қилиш бўйича асослантирилган тақлифлар тайёрланди ва ҳозир уларни янада такомиллаштириш устида ишланмоқда.

Айтиш керакики, коррупцияга қарши курашиш бир ташкилот доирасида ечим топадиган вазифа эмас. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши айни муддаодир. Шундагина бу муаммонинг илдизига болта уришга эришамиз.

Албатта, сўнги 3-4 йилда амалга оширилаётган ишларнинг ижобий натижалари кўзга ташланаётгани кишини қувонтиради. Ўрни бугун халқимизнинг фикри, мулоҳазаларидан аён бўлмоқдаки, коррупция илтимой тармоқлар, кундалик ҳаётимизда ишлатилаётган энг кўп сўзлардан бирига айлиниб улгурди. Бу эса коррупцияга қарши курашишнинг муҳим бўгини ҳисобланган аҳолида ушбу иллатга нисбатан муросасизлик кайфияти шаклланаётганидан дарак беради.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилганидан буён кўпгина вазирлик ва давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўзларининг беминнат қўмақларини беришга доимо тайёр эканини маълум қилиб, ҳамкорликда ишлар бошлаб юборилган.

Асосийси, бугун жамиятимизда коррупцияга нисбатан уйғонаётган муросасизлик кайфиятини, журналист ва блогерлардаги коррупцияга қарши жанговар руҳини, давлат идоралари ва мансабдор шахсларидаги коррупция мамлакат келажагига гов сифатида қарашни янада кучайтириш лозим. Бугун коррупцияга ҳамма қарши, уни йўқотиш кераклигини, у билан мамлакат ривожлана олмаслигини энг юқори лавозимдагилардан тортиб аҳолимизнинг катта қисми, зиёли қатлам, оммавий ахборот воситалари вакиллари тушуниб етди. Энди ягона вазифа барча ҳаракатларни бирлаштириш ва иллатга қарши биргаликда курашиш лозим.

Бу эса, шубҳасиз, мамлакатимизнинг яқин ва узок йиллар учун белгилаб олинган ривожланиш стратегияларини тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади.

## Агар коррупцияга барҳам берилмаса, эртанги кунимиз қандай бўлади?



жатлар билан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширувчи янги тузилма — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентлик давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди. Шунингдек, фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши этиб қайта ташкил қилинди.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 январдан 37 та лицензия ва 10 та рухсатнома бекор қилинди. Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идоралар фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда солиқ ва бошқона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича “йўл харита”си тасдиқланди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан биргаликда вазирлик ва идоралар томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган идоравий ҳужжатлар, турли соҳаларда “коррупциясиз соҳа” дастурлари ва бошқа режа-дастурлар қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

2020 йилда Президентимиз раислигида коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича ўнга яқин йиғилиш ва учрашув бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ушбу иллатга қарши давлат даражасида курашишга қатъий бел боғланганини англатади. Буни нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки халқаро ҳам-жамият ҳам жиддий сиёсий ирода сифатида қабул қилмоқда.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида коррупцияга қарши курашишга алоҳида ургу берилиб, Ўзбекистонда бу иш янги босқичга кўтарилгани, муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашувчи мустақил тузилма ташкил этилгани таъкидлангани ушбу йўл мамлакатимиз учун нақадар муҳимлигини бутун дунёга намён этди. Мазкур ижобий ўзгаришлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўсишини таъминлаш билан бир қаторда халқаро рейтинглар ва индексларда юқорилашга ва юртимиз нуфузини яхшилашга хизмат қилмоқда.

**Давлатларда коррупция даражаси ва унга қарши курашиш борасида ҳукуматлар томонидан амалга оширилган ишларни баҳолаб борувчи энг муҳим рейтинглардан бири - “Transparency international” ташкилотининг “Коррупцияни қабул қилиш” индексида 2020 йилда Ўзбекистон 2019**

## Коррупция мамлакат равнақини барбод қилади!



ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

БЕКОВОДА ҚИСҚИЧБАҚА ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Нигора ЎРОЛОВА, журналист

Юртимизда аҳоли даромадини ошириш ва бандлигини таъминлашда тadbirkorларнинг ҳиссаси йил сайин кенгайиб бормоқда. Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги "Mercury omad" фермер хўжалиги раҳбари, тadbirkor Дилмурод Юсупов томонидан қисқичбақа ва крeвeтка маҳсулотлари етиштирилиб, худуддаги "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" да турувчи ишсиз фуқароларга қасаначилик йўли асосида бeпyл тарқатилмоқда.



Этиборли жиҳати, ушбу маҳсулот мамлакатимизда илк бор Бекобод туманида қўлайтирилмоқда. Хўш, қисқичбақа ва крeвeткаларнинг аҳоли саломатлигига фойдаси ҳамда даромадлиги қай даражада? Шу ҳақда тadbirkor билан суҳбатлашдик. — Қисқичбақа жуда фойдали бўлиб, унинг таркибида товуқ гўшtidан кўпроқ оқсил, аминокислоталар, фосфор, темир, кальций каби моддалар ва А, В, С витаминлари мавжуд. Етиштирилган маҳсулотлар асосан хорижга экспорт қилинади, — дейди Дилмурод Юсупов. — Айтиш керакки Россия Федерацияси билан ҳамкорлик музокаралари олиб бормоқдамиз. Лойиҳа амалга ошган, юртимизга бир миллион долларлик инвестиция жалб этилади. Қисқичбақа ва крeвeткалар оддий усулда етиштирилади. Айтиш керакки, 1 куб метрли ҳовузда 50 донга қисқичбақа, крeвeтка ҳамда балиқ боқиш мумкин. У ҳисобимиздан бир йилга қадар озқани бeпyл етказиб берамиз. Айтиш керакки асосан денгиз жониворлари ўттиздан зиёд хонадонда парваришланмоқда. Дилмурод Юсупов мактабни битириб, олийгоҳга киришмаган, пoйтaхтнинг бир неча кўзга қиринган ресторани ва кафеларида ишлаб, янги турдаги хизмат турларини ўрганди. Бундан бир неча йил олдин ресторани йўналишида танлов эълон қилинганда у ҳам ўзини шу йўналишда синаб кўриш учун танловда қатнашди. Кўплар орасидан гoлибликни қўлга киритиб, қирқ етти кун Россия Федерациясида амалиёт ўтаб қайт-

ди. У ерда овқатланиш соҳасидаги билимларини мустаҳкамлади ва янги замонавий йўналишларни мукамал ўрганди. Орадан икки йил ўтиб эса Бекобод туманидаги "Дастурхон хизматлари" яқна тартибдаги тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйди. У ўтган саккиз йилда туман миқёсида 250 нафардан зиёд ёши мохир таом устасига айлантиришга улгурди. — Ҳаммамизга маълумки, рус биродарларимизнинг кўпчилиги денгиз маҳсулотларини севиб истеъмол қилади, — дейди Дилмурод Юсупов. — Асосан денгиз маҳсулотлари Россия давлатига Эфиопия, Малайзия, Гова мамлакатларидан экспорт қилинади. Нархи эса килосига 13-14 долларни ташкил этади. Транспорт харажатлари ҳам олувчи томонидан қопланади. Шуларни инобатга олиб, маҳсулотимизни етказиб бериш шарти билан шартнома имзоладик. Давлатимиз томонидан экспорт учун ажратилган имкониятлар туфайли транспорт йўл харажатларининг 50 фоизи компенсация қилиниши белгиланган. Ҳозирги кунда ҳамкорларга маҳсулотни етказиб бериш бўйича жадваллар тақдим этилган. Насиб этса сентябрь ойдан бошлаб 2,5 тонна маҳсулот хорижга жўнатилади. Тadbirkor томонидан жорий йилда юздан зиёд хонадонга бeпyл маҳсулот тарқатиш кўзда тутилган. Парваришлаш ва камхарклиги, балиқ боқишдан кўра бир неча мартаба осонлигини тушуниб етган фермер хўжалиқларнинг ўнга яқини у билан шартнома имзолади. Хуллас, тadbirkor Дилмурод Юсуповнинг режалари катта. Унинг таъкидлашича, яқин фурсатда хорижий давлатга 643 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Бу эса нафақат тadbirkorлар ҳаммагизга, шунингдек, давлат газнасига ҳам яхшигина наф келтиради.

етиштириш бўйича туман ҳокимининг қарори қабул қилинди. Бекободлик тadbirkorимиз шу кунларда Россия Федерацияси билан тижорат шартномалари имзолаш арафасида. — Ҳаммамизга маълумки, рус биродарларимизнинг кўпчилиги денгиз маҳсулотларини севиб истеъмол қилади, — дейди Дилмурод Юсупов. — Асосан денгиз маҳсулотлари Россия давлатига Эфиопия, Малайзия, Гова мамлакатларидан экспорт қилинади. Нархи эса килосига 13-14 долларни ташкил этади. Транспорт харажатлари ҳам олувчи томонидан қопланади. Шуларни инобатга олиб, маҳсулотимизни етказиб бериш шарти билан шартнома имзоладик. Давлатимиз томонидан экспорт учун ажратилган имкониятлар туфайли транспорт йўл харажатларининг 50 фоизи компенсация қилиниши белгиланган. Ҳозирги кунда ҳамкорларга маҳсулотни етказиб бериш бўйича жадваллар тақдим этилган. Насиб этса сентябрь ойдан бошлаб 2,5 тонна маҳсулот хорижга жўнатилади. Тadbirkor томонидан жорий йилда юздан зиёд хонадонга бeпyл маҳсулот тарқатиш кўзда тутилган. Парваришлаш ва камхарклиги, балиқ боқишдан кўра бир неча мартаба осонлигини тушуниб етган фермер хўжалиқларнинг ўнга яқини у билан шартнома имзолади. Хуллас, тadbirkor Дилмурод Юсуповнинг режалари катта. Унинг таъкидлашича, яқин фурсатда хорижий давлатга 643 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Бу эса нафақат тadbirkorлар ҳаммагизга, шунингдек, давлат газнасига ҳам яхшигина наф келтиради.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилган вақтдан буён унинг фаолияти доимо жамоатчилик диққат марказида бўлиб келмоқда. Муқаддам коммунал соҳадаги муаммоларга ечим топиб, асосан тўловлар билан шўғулланиб келган бу идора суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси қатъий ва самарали бўлишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.



АЛИМЕНТЛАР МАХСУС ПЛАТФОРМА ОРҚАЛИ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ

Лутфулла ХАЙРУЛЛАЕВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 24 ноябрда имзолаган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон бюро органлари фаолиятини тартибга солиш ва самардорлигини мустаҳкамлашга кенг йўл очди. Ҳужжатга мувофиқ, Мажбурий ижро бюроси суд ҳамда бошқа органлар ҳужжатларини ижро этади ва амалда одил судловни таъминлашга хизмат қилади. — Фармонга кўра, 2020 йил 1 декабрдан бошлаб жиноят натижасида давлатга етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадига ўтказилмаган олиб қўйилган мол-мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича сотилган мол-мулкларнинг маблағлари алоҳида газначилик ҳисоб-рақами билан пропорционал тартибда тенг равишда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда, — дейди Бош прокуратура бошқарма прокурори Фаррух Раҳматуллаев. — Таъкидлаш жоизки, бюрого энг оғриқли масалалардан бўлган алимент тўлови билан боғлиқ ишлар келиб тушади. Мазкур йўналишда ҳам тизимда жиддий ишлар қилинапти. 2021 йил 1 мартдан бошлаб ушбу тўловлар Алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Эндиликда ундирувчилар номига алоҳида банк пластик карточкалари очилиб, али-



мент тўловларини шаффоф ва ортиқча овозгарчиликсиз, қулай ва масофадан туриб олиш имкони яратилди. МИБнинг Чилонзор тумани бўлими томонидан фармон ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Айтиш керакки, иш юритувида алимент ундириш тўғрисидаги жами 2120 та ижро ҳужжати мавжуд. Алимент тўловларини ундириш бўйича 2020 йил 17 ноябрда бошланган тезкор тadbirkorлар давомида жами 40 нафар қарздор иш билан таъминланишига эришилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида қарздорлардан жами 232 миллион сўмдан ортиқ алимент қарздорлиги ундирилди. Шунингдек, 2 нафар қарздор тегишли қонунчилик асосида маъмурий жавобгарликка тортилди. Энг муҳими, олиб борилган профилактика ва ҳуқуқий тушунтиришлар натижасида 37 та оила тикланди. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди ижро ҳужжатига асосан, қарздор А. И.дан ундирувчи М. И. фойдасига вояга етмаган бир нафар фарзанди таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Аниқланишича, А. И.нинг ўтган давр мобайнидаги алимент қарздорлиги 20 миллион сўмдан ортиқни ташкил қилади. Ижро ҳаракатлари давомида жорий йилнинг январь ойда бу қарздорлик тўлиқ сўндирилиши таъминланди. Туманнинг қатор худудларида алимент ижро ҳужжатлари бўйича ишсиз қарздорларни бўш иш ўринларига жалб қилиш юзасидан туман Аҳоли бандлигига қўмақлаш маркази билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Биргина жорий йилнинг январь ҳамда февраль ойларида 16 нафар қарздорга иш тақдир қилинди, шундан 5 нафари иш билан таъминланди. Қарздорлардан жами 195 миллион сўмдан ортиқ алимент пуллари ундирилди. Олиб борилган профилактика ва ҳуқуқий тушунтирувлар натижасида 8 та оиланинг тикланишига эришилди. Икки нафар қарздорга нисбатан вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик ҳолати бўйича Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли тўпланган ҳужжатларни ҳолат бўйича терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш учун МИБнинг Тошкент шаҳри бошқармаси суриштирув ва маъмурий амалиёт шўъбасига юборилди. Шунингдек, иктисодий ишлар бўйича судларнинг Мажбурий ижро бюроси Чилонзор тумани бўлими иш юритувида мавжуд бўлган ҳал қилув қарорларига асосан, 2020 йилда бўлим иш юритувиге Тошкент шаҳри ҳокимлигидан қарзни ундириш тўғрисидаги 33 та ижро ҳужжати бўйича ижро ишлари қўзғатилиб, қарздорга ижро учун юборилган. Олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 33 та тadbirkor фойдасига жами 80,9 миллион сўм маблағ тўлиқ ундирилиб берилди.

ИЧКИ САЙЁҲЛИК

Расулжон КАМОЛОВ, журналист

Фарғонадан 1300 километр оғирликда жойлашган Хоразм ҳақида ўқиган, эшитган маълумотларимга таяниб бирмунча тасаввурга эга эдим. Яқинда "Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал", деган мақолга амал қилиб, унинг кўҳна тарихи, аҳоли турмуш тарзи, маданий ҳаёти билан боғлиқ кўплаб маълумотлар, меъморий обидалар билан яқиндан танишиш имконияти туғилди. Фарғоналик журналистлар саёҳати қисқа, аммо мароқли ва қизиқarli бўлди. Уларнинг муайян жиҳатларини сизлар билан баҳам кўриш нияти ҳам ана шу таассуротларнинг ҳосиласи сифатида юзага келди.



КЎҲНА АРК — ЎТМИШ ВА БУГУНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Хоразм тарихида кўҳна Арк саройи қароргоҳ сифатида эътироф этиб келинади. Арк — Ичан қалъанинг фарбида жойлашган бўлиб шарқ томонга қаратиб қурилган. Тарихчи ва давлат арбоби, шоир ва таржимон Мунис Хоразмийнинг гувоҳлик беришича, қалъа XVII аср бошида Хоразм хонлари қароргоҳига айланган. Бу ерда давлат ҳаётига тегишли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга ечим топилиши. — Кўҳна сарой икки қисмга бўлиб ўрганилади, — дейди "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими Музаффар Машарипов. — Маъмурий худуд хон қабулхонаси, девонхона, масжид, зарбхона, хазина, кутубхона каби давлат идоралари, четрoқда новвойхона, ошхона, қоровулхона, хуллас хизматчилар хоналари жойлашган. Қабулхона баланд айвонли ҳовлида, унинг олдида баланд юмалоқ супа қурилган. Бу супа устига оқ уй — ўтов ўрнатилган бўлиб, хон қишда арзғўйларни шу ерда қабул қилган. Саройнинг хўжалик қисмида хон оиласи билан қиш ва ёз фаслларида яшаши учун махсус хоналар, ошхона, тандирхона бўлган. Бу икки бўлимнинг ўртасида махсус очик жой бўлиб, у маъмурият билан хон харамини ажратиб туради. Унда ҳўқмдорнинг фарзандлари турли машғулотлар билан шўғулланган, ҳарбий машқларни бажарган, шунингдек, бу ерда хон ва унинг эътиборли меҳмонлари учун ҳар хил томошалар намойиш қилинган. Қадим сарой кўплаб тала-тўпларнинг гувоҳи бўлган. Турли ривоят ва афсоналар юради. Хусусан, кўҳна Аркнинг фарбий қисмидаги Оқ Шайх бобо қўшқини ҳақида ҳам ривоятлар бор. Эмшиқим, бу ерда бир чол оқ яттак қийиб яшагани учун Оқ Шайх бобо қўшқини деб аталган.

Бугунги кунда кўҳна Хивани Калта минораси тасаввур этиш қийин. Бу минора шаҳар рамзий белгиси сифатида тан олинган. Унинг улчами ва нoёб безаклари кишини ҳайратга солмасдан қўймайди. Минора диаметри асоси 14,5 метрни, баландлиги 29 метрни ташкил этади. Иншоот 1853 йилда Мухаммад Аминхон томонидан қурила бошланган. У дунёдаги энг баланд минора сифатида лойиҳалаштирилган. Бу Бухородаги 46 метрли Минораи Калондан деярли икки баробар Деҳлидаги 78 метрли Кутб Минордан ҳам юқори бўлиши керак эди. Лекин 1855 йил Шимолий Эронга юриш пайтида хоннинг ўлдирлиши ва Абдуллахоннинг тахтга ўтириши билан қурилиш ишлари тўхтаб қолган. Ундан кейинги хонлар тез-тез алмашар, маблағлар эса ўзaro урушларга йўналтирилган эди. Қурилиши чала қолган минорага эса "Калта минор" деб ном берилган. Минора ҳозирги пайтда кесик конус шаклида бўлиб, ҳайбатли кўринишга эга. Битганидан сўнг унинг баландлиги 100 метрга яқин бўлиши, Ўрта Осиёдаги энг катта ва баланд минорага айланиши керак эди. Минорада асосан, геометрик нақшлар (гирех) кўп қўлланилган. Унинг ташқи қисми сирланган қошиллар билан қопланган. Улар кўёш нурлари остида кўк, мовий ва оқ рангларида жилваланиб туради. Шу сабабли уни Кўк минора деб ҳам атайдилар. Калта Минор нафақат Хиванинг, балки Ўрта Осиёнинг ана шундай иншоотлари орасида аққол ажралади туради. Гарчи битмаган, чала қолган бўлса-да, унсиз ҳолда хонлиқнинг буюклиги ва ҳалокатини ёдга солиб тургани билан дунё сайёҳлари эътиборини торттиб келмоқда.

Кураги ерга тегмаган паҳлавон

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси Хивадаги энг муҳташам ёдгорликлардан бири. Маъмурага кирар эканмиз, бизга ҳамроҳлик қилаётган гид сўз бошлади: — Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда Хива шаҳрида пўстиндўз (қосиб-хунарманд) оиласида туғилди. У ҳам ота касби билан шўғулланган. 15 ёшида мард курашчи, машҳур паҳлавон бўлиб ном чиқарган. Кўплаб Шарқ мамлакатларидаги мусобақаларда катнашиб, ҳамisha зафар қучган. Бир умр кураги ерга тегмай, мамлакатнинг биринчи полвони, паҳлавонлар пeshвоси бўлган. Васиятига кўра, шогирдлари уни ўзининг пўстиндўзлик устaxonаси атрофида дафн қилишган. Вақт ўтиши билан қабр устида мақбара тикланиб, зиёратгоҳга айланади. Кейинчалик мақбара ичига Абулғо-зихон, Анушахонлар ҳам дафн этилган. Бу ҳўқмдорларнинг Паҳлавон Маҳмудга эътиқоди қанчалик баланд бўлганидан далолат беради. 1701-1702 йилларда Хива хони Шонийёхон мақбарани янгидан қурдиради.

Орзулар юксалтирган обида

Калта минорга ана шундай таъриф берилар экан. 1846-1855 йилларда Хива хонлигини бошқарган Мухаммад Аминхон ислом оламидидаги энг буюк маъмури қуришга аҳд қилди. У Хива хонлигининг бекиёс кучи ва буюклигини намойиш этмоқчи эди. Аммо унинг орзуи ниҳоясига етмай қолади. Мухаммад Аминхон мадрасаси қуриб битказилди-ю, маъмура олдидаги минора — Калта минор битмай қолиб кетади. Мадраса биноси гўзаллиги, нақшларга бойлиги билан ажралади туради, лекин Калта минор сайёҳларни ўзига кўпроқ жалб этади.



Ҳозирги мақбара Мухаммад Раҳимхон томонидан 1810 йилда қурила бошланган ва унинг ўғли Оллоқулихон даврида битказилган. Мақбара 3 та қисмдан иборат. Қабрхона, хонақо ва йўлак. Мақбаранинг фарбий қисмидаги хонадан Паҳлавон Маҳмуд қабри жой олган. Хонақонинг шимолий девори ёнида Мухаммад Раҳимхон, унинг яқини эса Хива хонлари Абулғо-зихон ва Анушахонларнинг қабр тошлари ўрнатилган. Йўлакда эса Оллоқулихон дафн этилган. Усталар Хонақо тепасига нақшлар билан бирга, Паҳлавон Маҳмуднинг 22 та рубойисини ҳам битишган. Мақбара нодир меъморчилик ёдгорлиги сифатида неча асрдирки, барчани ўзига торттиб келмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар бу буюк инсоннинг қабрини зиёрат қилади. Паҳлавон Маҳмуд мазмунан бой, шаклан пишиқ рубойилари билан ҳам шўҳрат қозонган. Бизгача 300 дан зиёд рубойилари етиб келган. Уларда шонининг фалсафий мушоҳадалари теранлиги, ҳаётий чуқур идрок қилиши, сўзга ҳассослиги аққол сезилиб туради. — Паҳлавон Маҳмуд Хивадаги жавонмардлар пeshвоси, паҳлавонларни тарбияловчи устозига бўлиб қолмай, одамийлик одобини ўргатувчи пир ҳам эди, — дейди "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси мутахассиси Зайнаб Абдуллаева. — Жавонмардларнинг шиори дунёдаги ёзувликнинг барча қурилишларига қарши бўлган ёзувликни химоя қилиш, тартиб этиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу гоёларга Паҳлавон Маҳмуд 79 йиллик умри давомида қатъий риоя қилди. Паҳлавон Маҳмуд маъмураини зиёрат қилган киши руҳан покланиб, кўнгли равшан тортади. Шу кунга қадар сақланиб қолган бино ва иншоотлар, осори атиқалар қадим юрда яшаган аҳоли ҳаёт тарзи, урф-одағи, маданияти ҳақида қизиқarli ва қимматли маълумотлар бераётгани билан янада аҳамиятли.



**ТАНЛОВ**

Шу йилнинг 18-19 март кунлари Тошкент вилоятига ташир буюрган давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқот қилиб, уларни кўзга ташланаётган муаммолар бўйича масъулларни танқид қилишдан чўчмасликка чақирди: “Танқид қилинглр! Биласизларми, бу — учта-тўртта қарордан ҳам кўпроқ таъсир қилади. Сизларнинг кучларинг катта”, дея таъкидлади.

**“ОЛТИН ҚАЛАМ” —  
ЮКСАК РАҒБАТ ВА  
ЭЪТИРОФ**



**Холмурод САЛИМОВ,  
Ўзбекистон Журналистлари  
ижодий уюшмаси раисининг  
ўринбосари,  
“Олтин қалам” Миллий  
мукофоти ташкилий  
қўмитаси раиси**

Президентимиз томонидан журналистларнинг бундай қўллаб-қувватланиши мамлакатимиздаги давлат ва идоралар оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган барча ижодкорларни янгилашга руҳлантириб, янада фаол бўлишга ундамоқда. Айни пайтда шу орқали журналистларда ўз ишига бўлган иштиёқ ва меҳрни, ўз касбидан фарқланиш ҳиссини оширади десак, муболаға бўлмайди.

Журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг тарғиб қилиш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш, журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгилаш ёндашувларни шакллантириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган танловлар кўп. “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловлар ичиде энг нуфузлиси, десак янгилашмайди.

Жорий йилдан эътиборан ушбу танловни аввалгиларидан бироз бошқача, бугунги кун талаби даражасида — янгилаш форматда ўтказишга ҳаракат қилмоқдамиз. “Олтин қалам” XV Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитаси ва ишчи гуруҳлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма бошқаруви, унинг ҳузуридаги кенгашлар аъзолари, тажрибали устозлар, фаол интернет журналистлари, тегишли вазирилик ва идоралар, шунингдек, журналист кадрлар етиштирувчи олий таълим муассасаларининг соҳага алоқадор етакчи ходимлари ҳамда тадқиқотчиларнинг тақдиринг таъсирлари асосида танлов низомига қўйидаги ўзгаришлар киритилди.

**Биринчи** — чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материал учун рағбатлантирувчи номинация асосий мукофотлар қаторига қўшилди.

**Иккинчи** — танловга тақдим этилган материалларнинг электрон шаклини уюшмамизнинг journalist.uz веб-сайтида очилган “Олтин қалам-2021” бўлимига жойлаштириш ва уни беш балли тизим бўйича баҳолаш йўлга қўйилди. Бу жараёнда иштирокчиларнинг ҳар бир материали ОАВ, соҳага дахлдор ташкилот ва олий

таълим муассасалари, ахборот хизматлари жамоалари номидан баҳоланади.

**Учинчи** — ОАВ ва ахборот хизматлари томонидан танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар сони чекланди — бештадан кам, ўнтадан кўп бўлмаслиги белгиланди. Ўзгаришга кўра, танловда нафақат журналистлар, балки газета ва журналлар, интернет нашрлари — веб-сайтлар, радио ҳамда телеканаллар ҳам жамоавий иштирок этиши мумкин. Бу жараёнда ҳам ОАВнинг ўнтадан кўп бўлмаган (газета ёки журнал) сони, аудио ва видео материаллари кўриб чиқиши қайд этилган. Ахборот хизматларига келганда асосий эътибор хизматнинг ташкилот фаолиятини кенг ва ҳолис ёритилишида ОАВга кўрсатаётган ёрдами, жамоатчилик билан алоқалар қанчалик йўлга қўйилгани, ижодий фаоллик каби мезонларга қаратилиш кўрсатиб ўтилган.

Албатта, бу билан “Олтин қалам” танлови низомига ўзгаришлар киритиш тўхтаб қолмайди. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда, тегишли тақдир ва тавсиялар асосида бу борадаги ишлар давом эттирилиши мумкин.

Айни кунда ОАВлар ҳамда ахборот хизматлари вакиллари, эркин ижодкорлар томонидан танловга материаллар топшириш кизгин давом этмоқда. Уюшмамизда навбатчилик асосида ҳафтанинг шанба кунлари ҳам эртадан аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Бу — аксиома, бошқача айтганда, ўз-ўзидан аниқ-равшанлиги сабабли исбот талаб қилмайдиган, исботсиз қабул қилинадиган ҳолат.

Журналист таниқли, истеъдодли, қалами ўткир бўлиши мумкин. Бу унинг айни йил “Олтин қалам”да голиб ёки совриндор бўлиши шартлигини аналитикада. Эҳтимол унинг энг юқори баллига муносиб “асар”лари 2-3 ёки 5-6 йил олдин битилгандир, балки кейинги йилларда ёзилар. Умуман, ҳар бир журналистнинг сермахсул ижод қилган йиллари бўлади.

“Олтин қалам” ҳақида сўз юритилганда танловда журналистнинг фақат 2020 йилнинг 31 мартидан 2021 йилнинг 31 мартигача эълон қилинган материаллари кўриб чиқиши, айни шу даврда у нисбатан фаол ижод қилмаган бўлиши мумкинлиги каби омиллар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

“Олтин қалам” танлови иштирокчиларининг ижодий ишларини соҳа бўйича катта тажриба ва билимга эга, виждонли, адолатли устозлардан тарқиб топган нуфузли ҳақамлар ҳайъати кўриб чиқади ва сайтида баҳолашган баллар жамланмасига таянган ҳолда ҳолис яқуний ҳулосага келинади. Жорий йилдан journalist.uz сайтида материалларни ижодий жамоаларнинг баҳолаши йўлга қўйилгани ҳам ана шу эзгу мақсад — “Олтин қалам” танловининг шаффоф ва ҳаққоний ўтиши таъминлини ҳаққоний қаратилади.

**ТИЛ — МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ**

“Тилинган олдин қалбингни тарбият қил, чунки сўз қалбда туғилиб, тилда намоён бўлади”, деган эди Жалолоддин Румий. Чиндан ҳам ўз юртини севган, она тили қадрини қалбан ҳис қилган инсонгина бугунги кунда мамлакатимизда давлат тилига қаратилган эътибор ва ушбу жараёндаги ўзгаришлар қадрини теран англайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими раҳбари, Олий Мажлис сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Энахон СИДДИҚОВА билан она тилимизнинг ривож ва бу борада ечимини кутаётган муаммолар тўғрисида суҳбатлашдик.



**— Ҳукуматимиз томонидан давлат тилимизнинг ривожини, маъқеининг юксалиши, ўзбек тили меъёрларига амал қилиниши бўйича кейинги йилларда бир қатор қонун ва фармонлар чиқди. Вилоятда айни борадаги ишларда қандай янгиликлар, яхши тажрибалар бор?**

— Адашмасам, бундан бир неча йил олдин Тошкентда оила муаммоларига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда йиғирма бешдан зиёд мамлакатларнинг олимлари иштирок этди. Анжуманни таниқли академиклардан бири рус тилида очди (ҳолбуки, залда ўтирганларнинг қарийб 80 фоизи миллатдошларимиз эди). Биринчи, иккинчи маърузалар ўзбек олимлари томонидан рус тилида ўқилган, навбатдаги маърузани Кореядан ташир буюрган корейс олими соф ўзбек тилида бошлади, гапинг рости, ҳаммамнинг юзу кўзи чакнаб кетгандек бўлди. Нотиқ ўзбек тилидаги гўзал иборалар, мақолларни қўллаб, шундай чиройли сўзладики, ўз тилимизнинг жозибасидан мутаассир бўлдим. Кейин япон олими ҳам ўзбек тилида ҳайратомуз эълмураза қилди.

Икки чет эллик олимнинг ўзбек тилига ҳурмати, эҳтироми, уни чуқур билиши қалбимизда қанчалик ифтихор, ғурур уйғотган бўлса, ўз она тилимизга беписандлигимиз, безъитборлигимиздан ерга қараганимиз ҳамон эсимда. Афсуски, ун йиллар давомида тилимизни беписандлик, камситилишлардан ҳимоя қилолмадик. Бугун, айниқса, кейинги 3-4 йилдан буён мамлакатимизда бўлаётган буюқ ўзгаришлар, янгиликлар юрагимиз тубига чуққан ўша тошларни эритди. Бу ҳайрли янгиликни аввало, она тилимизга бўлган муносабат мисолда баралла айтишимиз мумкин.

Мамлакатимизда ўнга яқин адабиёт ва ижод мактабларининг, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил қилиниши она тилимизни мукамал ўрганишга, уни ривожлантиришга, чуқур илмий тадқиқ қилишга, нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқеини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Буюқ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқади, деб ўйлаймиз. Эътиборлиси, мутасаддилар томонидан давлат ташкилотлари, бошқарув идоралари, корхона ва муассасаларда давлат тилида иш юритиш аҳоли танқидий ўрганилиб, таҳлилий баҳо берилди. Семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Бу каби ишлар давом этмоқда. Тил байрами жараёнида, айниқса, саъй-ҳаракатларимиз фаоллашди.

**— Ҳа, яширишнинг ҳожати йўқ: ҳар йили Давлат тили қабул қилинган сана — 21 октябрь арафасида**



**ТИНИҚ КЎЗГУГА  
ҒУБОР ТУШМАСИН**

ишлар бирмунча жонланиб, бу мавзуда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, жойларда тадбирлар авж олади. Лекин байрам ўтганидан кейин яна... сел келганда сувлар бирдан ошиб-тошиб, кейин яна ўзанида сокин оқа бошлагани каби бу борадаги ишларимиз ҳам хотиржамликка “кўмилади”. Бу йил республикамизда биринчи марта нишонланган Тил байрамининг кейин яна аввалгидай лоқайдлик, хотиржамлик бошлиқ кетмадимми?

— Юрагимдаги оғриқларни кўзгадингиз. Шохиди бўлди: тил байраминини нишонламаган бирорта ташкилот, идора қолмади. Байрам руҳи бирор ой давом этди ҳисоб. Кейин негадир яна хотиржамликка берилдик. Агар ижодкорлар ташаббуси билан илмий-ижодий тадбирлар уюштирилмаса, ҳамма ёқ сув сепгандек сокин. Эҳтимол, ҳужжатларда бу ишни дўндираётгандиримиз. Амалда эса эски лоқайдлик, хотиржамлик пинҳига кириб олгандек. Бу борада масъуллар кўп, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам фаол деб бўлмайди. Энг аввало зиёлилар ўғониши зарур ва шарт.

**— Шаҳар ва туманлардаги кўчалар, ташкилотлар, савдо тармоқлари, дорихоналарнинг хорижий сўзлар билан номланишига муносабатимиз тайин. Аммо бу муносабат-фикрларнинг амалда жорий қилиниши, яъни, атамалар, номлар, эълонларни ўзбекчалаштириш ишларига нималар тўсиқ бўляпти? Айни масаланинг ижодий ҳал этилишига вилоят ижодкорлари, олимлар, тилшунослар бош қўшяптиларми?**

— Кейинги пайтларда кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, бинолар, дўконлар, хусусий муассасаларни хорижий сўзлар билан аташ ниҳоятда авж олиб бормоқда. Тошкентми, Фарғонами, хоҳлаган кўчадаги ёзувлар, хусусий корхоналар номлари, баннерларни кузат-сак, “Beauty salon”, “La Perla Cosmetics”, “Golden River”, “Dark hall”, “Elegant”, “Creative Master”, “Viva”, “Savio”, “Star Med Center”, “Avisa Med Servis”, “Salus Vita” каби ёзувларга дуч келаемиз. “Mini market”, “Rich market”ларнинг сон-саногий йўқ. Аксарият биноларнинг пештоқларида “Дверь”, “Центр обуви”, “Учебный центр”, “Подготовка абитуриентов”, “Языковые курсы”, “Дошкольное обучение”, “Зеленый базар”, “Срочное фото”, “Цветная печать” каби номлар.

Собик шўролар даврида юртимизда бирор янги корхона, жойга ўзбекча ном бериши тақдир қилганлар ҳатто миллатчиликда айбонларди. Ҳозир-чи?! Нима, корхона эгалари ёки тадбиркорлар “Давлат тили ҳақида”ги қонунда мамлакатимиздаги барча жойлар, ташкилоту корхоналар давлат тилида номланиши ва ёзилиши кераклигини билишмайдими? Нима учун янги масканларнинг хорижий номини тегишли идоралар, мутасаддилар тасдиқлаб, рўйхатдан ўтказиб беришмоқда?!

Тилимизга Давлат тили макони берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида ҳам Президентимиз айни муаммони таъкидладилар: “Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради”. Бундан бир неча йил муқаддам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг

“Дўрмон” Ижод боғидаги бир тадбирда ўзбек тилининг Америкадаги катта тарғиботчиси, таниқли олима Илза хоним иштирок этди. У юртимизга ташир буюрган хурсандлигини айтиб, бир зум ўйланиб давом этди: — Самолётда пойтахтингизга кўниб, шаҳарга чиқиб келаркан қалбимни безовта қилган оғриқни яшироқчи эмасман. Тўғриси, қаерда эканимни билолмай қолдим. Ўзбек тилидан кўра кўпроқ хорижий тиллардаги номлар, атамалардан ажабландим. Ахир, фахрлансангиз арзийдиган гўзал, жаваҳир тилингиз бор.

Ўшанда хижолатдан кўзимизни қаерга яшириши билмай қолганди. Таассубки, у пайтда кўлимизда тилимизни ҳимоя қиладиган курул — қонунимиз йўқ эди. Ҳозир-чи? Шаҳсан давлат раҳбарининг ташаббуси, тақдирини билан “Давлат тили ҳақида”ги қонунга ўзгаришлар, тўлдиришлар киритилди. Лекин ҳамон нашр этилаётган газета, журналлардаги саводсизлик, экранларда тилга беписандлик, жойлару муассасаларнинг номланиши, эълону рекламалар ёзувларида ачинарли ҳолатлар давом этапти. Мавжуд ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилмаётганлиги ва биз — зиёлиларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги сабаб қонун талаблари ижросига тўлиқ эътибор қаратилмаётганлиги бор гап. Хали бирор мансабдор шахс ёки субъекта “Давлат тили ҳақида”ги қонунни баҳармагани учун чора қўлланганлигини эшитмадик. Бу масала оммавий ахборот воситаларида ҳам тизимли ёритилмапти. Айни борадаги ишлар, ахвол тегишли мутасаддилар томонидан илчил ўрганилиб, таҳлилий-танқидий муҳокама қилиниб, зарур чоралар кўриб борилиши зарур. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги маконини юксалтириш ва уни ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида фаоллаштириш борасидаги ишларда ижодкор зиёлилар биринчи сафда бўлишлари зарур, деб ўйлайман.

**— Ёшларимизнинг она тилимизга муҳаббатини кучайтириш, уларнинг хорижий тилда эмас, соф ўзбек тилида сўзлашишга одатланишлари учун нималар қилиш мумкин, деб ўйлайсиз?**

— Менимча, энг аввало оилада, болалар боғчаларида тилимизнинг бошланғичи, бойлигини, маъно кенгликларини, руҳиятини гўдаклар қалбига синдиришимиз, бу жараён мактабларда давом этиши зарур. Лекин афсуслар бўлсинки, мактабни битирган Навоий ворислари орасида ўз она тилида равон сўзлаша олмайдиган, фикрини аниқ-тиниқ баён эта олмайдиганлар оз эмас. Ўзбек тили ва адабиётини дарслари жуда паст савияда ўқитиляпти, дарсликларимиз талабга жавоб бермайди. Шундай гўзал тил соҳибларининг болалари худди қалблари қулфлаб қўйилгандек. Биз эса ўзбек тили дарсларида қондалар ёдлатиш билан оворамиз. Адабиёт ўқитиш орқали ўқувчиларнинг тафаккурини, эркин фикрлашига эътибор қаратмаймиз.

Ривожланган давлатларда бир иш мактабгача таълим даргоҳлариданоқ бошланади. Бизда, афсуски, олий таълимда ҳам бундай режа йўқ. Демокчи-манки, бизга ўқувчиларни фикрлашга, равону гўзал сўзлашга ўргатадиган, миллатнинг ички маданияти, тафаккурини тарбияладиган янги миллий дарсликлар керак. Иккинчидан, бизда узоқ йиллар давомида давлат тилини чуқур билиш учун ички эҳтиёж, талаб йўқ эди. Ўз она тилини яхши билмай-

диганлар ҳам мансаб пиллапояларидан тўсиқсиз, бемалол юқорилайверди.

Менимча, олий таълимга кириш имтиҳонларида, мутахассислик фанидан тест саволларига жавоб қайтаргунга қадар, ҳамма соҳада абитуриентлар иншо ёки диктант ёзишлари амалиётга киритилиши керак. Бу, энг аввало, уриб кетган саводсизликнинг олдини олади. (Яқинда олий таълимнинг филология йўналишини битирган, академик лицейда ўқитувчи бўлиб ишлаётган ёш ижодкор кўлзмада ёзган шеърини кўриб беришимни суради. Бир саҳифалик шеърда 11 та имло хатоси. Ўқитувчининг саводсизлиги, ўз фанидан билимсизлиги бино пойдеворининг қийшқ қўйилишидан ҳам фожалироқ!)

Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқеини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг бир бандида раҳбарликка номзодларнинг давлат тили ва адабиётни билиш даражаси имтиҳон қилиниб, сертификат бериш масаласи белгилаб қўйилган. Менимча, бу инқилобий янгилик. Жамиятни миллий юксалишга олиб чиқиш учун ёруғ эшикларни очадиган ҳужжат.

Яна бир муҳим масала: кейинги йилларда мактаблардаги кутубхоналар зарур бадий адабиётлар билан тўлдирилди. Адабиётимизнинг улғустозларидан бири Миртемир домлани хотирларидеги ўқинишимиз, адашмасам. Ўқувчи китобни олиб ўқиб топшираётганда кутубхоначи опа: “Хўш, бу китобдан нималар топдингиз? Қайси қахрамонлар сизга ёқди?” деб имтиҳон қилар экан. Шу имтиҳондан ўтиш, кутубхоначи олдида мулзам бўлмаслик учун ўқувчилар китобни қайта-қайта ўқиб, бир-бири билан муҳокама қилишар экан. Шу ўринда савол туғилади: “Бугунги кутубхоначи опойларнинг неча фоизи болалар қалбига она тилимиз, адабиётга муҳаббат уйғотяпти?” Афсуски, уларнинг аксарияти ўзи ўқимайди, китобга муҳаббати йўқ. Аччиқ ҳақиқат шуки, бу тизим ишчиларни банд қилиш даргоҳига айланиб қолган, номутахассис кадрлардан иборат. Айни соҳада жиддий ўзгаришлар қиладиган вақт етди.

Бугунги кунда ўзбек тилимизга бўлган эҳтиром, уни ўрганишга бўлган қизиқиш жаҳон миқёсида кундан-кунга ортиб бормоқда. Халқаро анжуманларда, телеэкранларда хорижий элчиларнинг, олимларнинг ўзбек тилида равон гапирётганига гувоҳ бўляпмиз, бу ҳурмат-эътибордан қалбимизда ғурур, ифтихор касаллапти. Аммо мамлакатимизда бутун умр яшаб ўзбек тилини мутлақо билмайдиганлар, билишни истамайдиганлар, давлат тилини писанд қилмайдиганлар бор ва бунга энг аввало ўзимиз айбдорим. Ўзимизда йўқ нарсани бошқалардан қандай талаб қилаемиз?

Мен фикримни давлатимиз раҳбарининг маърузасидаги мана бу сўзлар билан яқунламоқчиман: “Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим”.

Доншмандлардан бири “Тил ва адабиёт катта йўлга қўйилган илоҳий кўзгудир. Бу кўзгуда ҳар бир миллат ўзини кўриб туради” дея ниҳоятда улғу таъриф берган. Шу илоҳий ойна, тиниқ кўзгуга ғубор тушмасин!

**Муҳтарам УЛУҒОВА  
суҳбатлашди.**

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

“МИНГДИН БИРИ ҚЎЮБДУР ОЛАМГА БИР НИШОНА”



ХІХ аср охири — ХХ аср бошида Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат тарих саҳнасида маърифатпарвар шахслар — жадидларни олиб чиқди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдулла Авлоний каби қомусий билим эгалари ана шулар жумласидандир. Улар ўз билимларини миллат равнақи, жамият ривожига йўлида сарфлашга интилдиди, ўрни келганда маблағини ҳам аямади. Улар орасида Фарғона жадидчилиги ҳаракати вакили Исоқхон Жунайдуллоҳон ўғли Ибротнинг алоҳида ўрни бор.

мобайнида пулни тўлаш шарт билан 1901 йилда чиққан тошбосма машина сотиб олади. 1908 йилда Наманган уездига қарашли Тўрақўрғонда “Матбааи Исоқхон” номи билан Фарғона водийсида биринчи наشريёт ташкил қилади. Иброт бу ишдан мақсадини “Тарихи чопхона” шеърини кўйидагича эътибор қилади:

“Мақсад бу ишдан эрди оламага илм қасри ҳам куймоққа асарлар ёдвора жаҳона”.

Ибротнинг “Санъати Иброт калами мифражаб Бандий” рисолисида наشريёт ҳақида сўз боради. Унда Абдурауф Шоҳидий: “Боқий дуо умид қилиб... биринчи ҳадямизни охирига тақдим айлади”, деб ёзади ва бу билан мазкур рисола “Матбааи Исоқхон”нинг дастлабки нашрий махсусоти эканини эътибор қилади.

Иброт матбаада чоп этилган рисолапар учун махсус рамзий тасвир ишлаган. Унда илм кўёшга ўхшатиш билан наشر этилган ҳар бир китобнинг юқори қисмида акс эттирилган.

1910 йилдан бошлаб Наманган шаҳрида 13 та, Чустда 2 та, Попда 2 та, Янгиқўрғонда битта китоб дукони очилди. Уларда, асосан, “Матбааи Исоқхон”да наشر қилинган китоблар арзон нархда сотилади.

Иброт 1913 йилда “Матбааи Исоқхон” қошида “Алтижорал Наманган” номли газета чиқариш учун ҳукуматга ариза беради.

Ибротнинг жадидчилик ҳаракати фақат мактаб очиб, наشريёт ва рўзнома ташкил этиш билан чекланиб қолмайди: у ўз уйида “Кутубхонаи Исоқхон” номли кутубхона ҳам очади.

Сеқрира қобилият эгаси бўлган Иброт шеърини билан ҳам шуғулланган. Унинг “Девони Иброт” асарини замондоши қўқонлик шоир Мухсин юқори баҳолаган, афсуски, девон бизгача етиб келмаган.

Октябрь тўнтаридан кейин Исоқхон маориф ишлари билан шуғулланади. У янги мактаблар очиб, саводсизликни тугатиш жаҳасида фаол иштирок этади. 1918 йилда Иброт очган мактаб заминда Тўрақўрғондаги 44-мактаб ташкил топиб, у 1960 йилларда Исоқхон Иброт номидаги 3-мактабга айлантирилади. Дастлабки вақтларда бу мактабда Исоқхон Иброт она тили, адабиёт, тарих фанларидан дарс бериб, кейинроқ мактаб дастурига мусиқа ашула предмети киритди. 1919 йилда унинг ташаббуси билан Наманганда ўзбек хотин-қизлари учун биринчи марта мактаб очилади ва унда Ҳусайн Мақаввин рафиқаси Фотиима Мақавева дарс беради.

Исоқхон Иброт совет даврининг дастлабки йилларида маориф соҳасида сидқидилдан хизмат қилди, зеро, унинг асосий маслағи халқини илмли, авлодларини юксак маърифат ва маданият соҳиб сифатида кўриш эди.

Совет ҳукуматининг қатагон сиёсати бутун ҳаёти ва фаолиятини маърифат, зиё йўлига бағишлаган, миллат ифтихори бўлган олим ва

фозил шахс Исоқхон Ибротни ҳам ўз домига тортиди.

Ибротни 1929 йилда қишлоқ фаоллари қўлоқларга алоқадор деб айбланиши ва мол-мулк мусодара қилинади. Худди шу вақтда Иброт Ўзбекистон Халқ комиссарлари советига шикоят хати ёзади. У ердан “Ибротга тегилимасин, илдан игнасигача қайтариб берилсин”, деган хат келади. Бу хат мазмунига кўра, Ўзбекистон Халқ комиссарлари совети раиси Ф.Жўраев вилоят раҳбариятига Ибротнинг буюмларини қайтариб беришни буюради. Аммо сиёсий тазйиқдан қўрққан вилоят раҳбарияти Ибротнинг уйини қайтаради, гулбоғини эса давлат ихтиёрида қолдиради. Бу Иброт тақдирини вақтинчалик осойишталик палласи эди, холос.

Совет ҳукуматининг бешафқат қатагончилиги миллатнинг фидойи фарзандини 1937 йил 7 январда қамоққа олади. Иброт томонидан ёзилган ва тўпланган кўлем ва тошбосма китоблар 4 қанорга жойланиб, олиб кетилади. Унинг уй-жойи, рўзгор буюмлари кимосиди савдосига қўйиб сотиб юборилади, оиласи ва болалари уч сохидан иборат қуруқ ерга чиқариб қўйилади.

Иброт Андижон турмасига олиб кетилган, суди ҳам бўлмади, қамоқхонанинг жисмоний ва руҳий қийноқларига дош бера олмай, 2 ойдан сўнг 75 ёшида вафот этади.

1963 йили Исоқхоннинг шоғирди мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли шоирнинг қамалиш олдидики руҳияти ҳақида куюниб бундай дейди: “... Исоқхон Иброт ҳам “тик” этса, эшикка қараб турган вақтлар. Улар бир кун мени уйларига чақириб қолдилар. Кўринишлари анча ташвишли. Саломалиқдан кейин мени машҳур кутубхоналарига олиб кирдилар.

— Қаранг, шуңча китоб. Буларнинг қанчаси 1919-1920 йилларда нес-ҳуб бўлди. Мана, энди яна нотинчлик. Бу китоблардан қанчаси кеча кун қамалган, қанчаси “халқ душмани”, “аксилантиқлар” деб бадном қилинаётган ёзувчиларнинг асарлари. Буларни қандай қилиб йўқ қилиш мумкин? Ахир булар халқнинг бебаҳо мулки-ку!

— Тўраминг овози анча синиққан эди.

— Мана, мен ҳар эҳтимомга қарши юзга яқин нозикроқ китобни ажратиб қўйдим. Буларни сиз меҳмонхонанинг орқасига — қўшинч орасига нобуд бўлмайдиган қилиб тегиб, деворни яна суваб қўясиз.

— Мен бу китобларни кўздан кечирдим.

— Тўра, мана бу китоблар Исмоилбек Ғаспиралининг “Хўжа сибён”, Мунавварқорининг “Адиби аввал”, Бехбудийнинг “Китобат ул-атфол” алифболари. Ахир, улар вафот этганларига бир қанча йиллар бўлди, қолаверса, бу китоблар ёш болалар учун ёзилган.

— Азизим Мулла Искандар, большевикларнинг мақсади фақат уларни жисман йўқ қилиш эмас, балки уларни ҳатто фарзандларимиз хотирасидан ҳам сидириб ташлаш. Мабодо, Ғаспиралилар, Бехбудийлар бу кунларга етиб келган-

ларида эди, большевиклар биринчи навбатда уларни отар эдилар.

Мен, тўраман айтганларидек, қўшинчининг гуваларини тушириб, аввал 2-3 қатор қуруқ пишкит гишт тердим ва унинг устига китобларни тахладим. Бу воқеадан 1-2 ой ўтгач, тўрамини, кутубхонадаги бор-йўқ китобларини бир машинага босиб олиб кетишди. Ҳақиқатан ҳам тўраман авлиё одам эдилар.

Исоқхон Иброт ўғли Ротифхон Исоқов саъй-ҳаракатлари туфайли 1959 йил 2 октябрда Андижон вилояти прокуратурасининг 3336 рақамли ҳужжатига асосан тўла оқланади. Бу билан тўраман гирдобига тортилган бир инсон тақдирини мисолида адолат қарор топди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган, миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий меросимизни ўрганиш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Инчунун, маърифатпарвар инсон, юрт фидойиси Иброт номини абадийлаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар қи-



линди. У ташкил қилган “Ударник” номи оланган босмахонага 1991 йилда Исоқхон Иброт номи берилди. Сайрам қишлоғи худудидики Калинин жамоа ҳужалғи 1991 йил 27 июнда Исоқхон Иброт номи билан атала бошланди.

1996 йилда Исоқхон Иброт номли музей биноси қурилди ва фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳридаги кўчалардан бири Исоқхон Иброт номи билан аталади.

2017 йил 5 сентябрда Вазирилар Маҳкамасининг “Тўрақўрғон туманида Исоқхон Иброт номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Кўп ўтмай, қарорга мувофиқ, икки гектардан зиёд майдонда сўлим боғ, музей ва мактаб-интернатни ўз ичига олган мажмуа қад ростлади.

Президентимиз 2018 йил 3 майда ушбу мажмуага ташрифи чоғида “Иброт домлининг Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий иброт намунаси бўлиб қолмоқда”, дея унинг ватан олдидики хизматларини яна бир бор юксак баҳолади. Маърифатпарвар номи билан аталувчи мактабнинг ҳар томонлама намунали бўлиши, бир неча тилларни биладиган кадрларни тарбиялаши зарурлиги, ёшларнинг юрт қорига ярайдиган муносиб инсонлар бўлиб воғага етишига ҳисса қўйиши лозимлиги таъкидланди.

Исоқхон Иброт таъбири билан айтганда: “Оламдин ушбу она сонсиз кишилар ўтиди, Миндин бири қўюбдур оламга бир нишона.” Дарҳақиқат, Исоқхон Иброт Ватан ва миллат равнақи учун ўз ҳаёти, ижоди ва фаолияти мисолида “мингдин бир” одамга насиб қиладиган “нишона” қолдирди, номига мос чинакам иброт намунаси бўлди.

Дилором АЛИМОВА, тарих фанлари доктори, профессор

Сўнги йилларда қатагон қилинган жадидлар ҳаёти ва ижодини тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш заруриятига айланди. Миллий тараққиётпарварларимиз, жадидлар ҳақида кўп қўлаб тадқиқотлар, монографиялар, рисолапар вужудга келди. Шу жумладан, жадид намояндаси Исоқхон Иброт илми ва маънавий мероси ҳам ўрганилди.

Аллома қолдирган илмий мерос халқимизнинг маънавий хазинасига айланди. Жумладан, унинг 1901 йилда наشر қилинган “Луғати ситта ал-сина” асари эътиборга лойиқ. Рисола ўз даврида замондошларини эътиборига ҳам сазовор бўлган.

Бир қатор хорижий тилларни ахши ўзлаштирган ва уларнинг билимдони бўлган Иброт ёзувлар тарихи билан ҳам шуғулланган. Ибротнинг ёзувлар тарихига оид 1912 йилда ёзилган “Жоме ул хутут” асари ҳақида унинг “Тарихи маданият” рисолисида кўйидагича ёзилган: “Бу хил хатти қадимийларни тарихи эди. Икки минг донга босма бўлиб, босмахонада қолди. Ҳозир ўзимизда ҳам кам. Кўп ерлардан сўрайдулар, йўқ деб жавоб берамиз”.

У бу асарда Европа ёзувларини ўрганишга даъват қилиш билан бирга, пиктографик ёзувлардан кейин вужудга келган қадимий товуш-ҳарф ёзувлари — финикия, яхуди, сурия, араб, япон, форс, славян, санскрит, ҳинд, лотин, арман, грузин, уйғур ва бошқа қирқдан ортиқ ёзув, уларнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақида маълумот беради.

Ибротнинг “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон уз замон” асарлари ўз даври тарихий жараёнларнинг долзарб муаммоларини қамраб олгани билан эътибор қозонди. Ушбу асарлар миллий давлат асосларини яратиш ва жорий этиш муаммоларига бағишланган дастлабки уриниш бўлгани учун миллийликка интилиш, миллатчилик сифатида қораланиб, 1920 йилларда совет тўзуми назоратидан ўта олмай, бугунги кунга қадар кўлем ва ҳолида қолди кетади. Иброт каби миллатпарварларга халқ душмани тағмаси босилиб, советлар томонидан қатагон қилинди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлемли маълумот олиш қаламига мансуб қимматли илмий мерос — “Тарихи Фарғона”, “Мезон уз-замон”, “Тарихи маданият”, тошбосма асарларидан “Мухрадот”, “Манзуми Иброт”, арабчадан таржима қилинган мусулмон қонушнослигига оид “Фихри Кайдоний”, кўлем ва ҳолида қолди “Мажмуаи

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ



Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида талаба-ёшларга ислом динининг инсонпарварлик, тараққиёт ва бунёдкорликка қорлагувчи гоғлари моҳиятини тўшунтириш мақсадида қатор соҳа вакиллари, етук мутахассислар, олимлар иштирокида турли мавзуларда тадбир ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА

Бунда ёшларимиз таълим-тарбия, маънавий-маърифий ҳамда илмий-педагогик соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар қаторида, умумбағиш қадриятларга уйғун ҳолда миллий аънава ва удулларнинг халқимиз ўзлигини намоён этишидаги аҳамияти, уни авайлаб-асрашнинг зарурати хусусидаги билим ва амалий кўникмаларга эга бўлмоқда.

Академиянинг “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси хузуридаги “Тафаккур майдони” илмий-маърифат жамоатчилиги маркази томонидан “Шарқ цивилизацияси: ёшлар ва янги-ча дунёқараш” мавзусида илмий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

— Бугунги мавзу жуда долзарб ва муҳим ҳисобланади, — дейди Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори Уйғун Ғофуров. — Ислום цивилизацияси ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, Шарқда рўй берган ислом цивилизацияси нафақат ислом олами, балки бутун башарият, инсоният тараққиётига таъсир қилди, дейиш мумкин. Ислום цивилизациясининг асосий узак гоғларидан бири илм эгаллашга бўлган ҳурматдир. Аммо, минг афсуски, бугунги кунда мусулмон дунёси нега бу нарсадан узоклашиб боряпти? Нега бойлик, ҳашамга ружу қўймоқда? Нега илмий салоҳият, айниса, аҳолининг саводхонлик даражаси бўйича мусулмон дунёси бошқалардан

орқада қолмоқда? Бунинг сабабини пухта ўйлаб кўриш керак. “Бешиқдан қабргача илм изла”, деб айтилади Ҳадиси шарифда. Бу — яхши. Аммо инсон ўзи олган билимларни ҳаётга татбиқ эта олиши ҳам керак. Диний билимларимиз инсон маънавий оламини бойитишга хизмат қилиб, унинг ўзлигини англашга ва эл-юрт қорига яраш учун дунё илмларини эгаллашга қувват бермоғи зарур.

— Тарихга юзланадиган бўлсак, дунёнинг деярли барча қитъаларида ўзига хос цивилизациялар бўлган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодир Жумаев. — Қувнонарлиси, ушбу цивилизациялар илдизи она Ватанимизга ҳам

боғланиб, улуг бобоқалонларини сиз дунё илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, таълимсиз ривожланиш бўлмайди. Вазиятга реал баҳо берадиган бўлсак, бугун ривожланган мамлакатлар тараққиёти замирида илмга бўлган инвестиция муҳим ўрин тутайди. Шу босис давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан ёшлар учун кўп қўлаб шароитлар яратилляпти. Бир неча йил аввал ёшларни олий таълимга жалб қилиш кўрсаткичи анча паст бўлиб, ҳар 100 нафар ёшнинг 9 нафари олий таълимга кириш имконияти

мавжуд эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 25 фоизга қикди. Яқин йилларда бу кўрсаткич янада ошади. Зеро, таълимга бўлган эътиборни кучайтирмаздан туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди.

Баҳс-мунозара, қизиқарли фикрлар доирасида ўтган тадбир давомида талабаларга Шарқ цивилизациясининг ривожидики юртимиз алломаларининг тутган ўрни, улар қолдирган бебаҳо маънавий меросини аҳамияти, дунё сиёсат майдонида содир бўлаётган ўзгаришлар, ёшларни қийнаётган муаммолар ҳақида маълумотлар берилди.

Фикр-мулоҳаза ва қизгин савол-жавобларга бой тарзда якунланган тадбир барчага бирдай манзур бўлди.